O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 14 сентябрь, № 181 (4080) Пайшанба

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 13 сентябрь куни Оқсаройда Саудия Арабистони, Украина, Словакия Республикаси, Афғонистон ва Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Мансур бин Иброҳим Муҳаммад ал-Мансур, Вячеслав Похвальский, Йозеф Мачишак, Муҳаммад Фаруқ Баракий ва Маттиас Майер ишонч ёрлиқларини топширди. Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссиясида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Саудия Арабистони араб дунёси ва мусулмон оламидаги жараёнларда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардан. Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларда халқаро ташкилотлар, жумладан, Ислом тараққиёт банки доирасидаги, шунингдек, терроризм ва диний экстремизмга, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳамкорлик ҳам алоқаларнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Жорий йилнинг май ойида Саудия Арабистонининг Подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари марказида Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатлар кўп йиллик дўстлик ва шериклик анъаналарига асосланади. Мамлакатларимиз иқтисодиётнинг машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, энергетика каби кўплаб соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия таъсис этилган.

Украина элчиси билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга эканлиги таъкидланди. Масалан, Украинанинг Ўзбекистондаги нефть-газ конларини тадқиқ этишга қизиқиши бор. Томонлар сармоявий ҳамкорликдан ҳам манфаатдор.

— Украина Ўзбекистон билан анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор, — деди Украина элчиси. — Ўзбекистонинг барча ресурслари орасида инсоний ресурслари энг юқори ўринда туради. Ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти жуда юксак. Яқинда Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришга оид ҳужжат имзоланди. Ядровий салоҳиятдан воз кечган давлат сифатида Украина Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг самараси бўлмиш ушбу воқеани юксак қадрлайди.

Ўзбекистон ва Словакиянинг қатор халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш. Жумладан, икки мамлакат раҳбарияти БМТ доирасида халқаро уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш тарафдори.

Ушбу мамлакат элчиси билан суҳбат чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани қайд этилди. Ўзбекистонда словакиялик шериклар билан тузилган қўшма корхоналар сони янада кўпроқ бўлиши мумкин. Савдо-иқтисодий муносабатларни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтайдиган экспорт-импорт ҳажми ҳам томонларни қониқтирмайди. Масалан, машинасозликда, жумладан, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, мебелсозлик каби тармоқлар учун ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик самарали ривожланиши мумкин. Шунингдек, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, компьютер техникасига оид соҳаларда илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш имкониятлари катта.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари азалдан бир-бирининг илм-фани, маданияти ва санъатини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб келган. Мамлакатларимизда қурилиш, коммуникация, савдо-сотиқ борасидаги алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш учун яхши имкониятлар бор. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Ислом тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки иштирокида трансафғон йўлагини очиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. У Термиздан бошланиб, Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига туташади. Бу билан Марказий Осиёдан Форс кўрфазига, океанга туташган бандаргоҳларга чиқиш, у ёқдан эса минтақамизга келиш учун янги, арзон ва қулай йўл очилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш ишларининг, бу борадаги халқаро ҳамкорлик ҳаракатларининг фаол иштирокчиларидан. Масалан, кўприксозларимиз ушбу мамлакатда кўплаб янги кўприкларни тиклаб, фойдаланишга топширди.

— Биз Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тикланиш ишларига қўшаётган ҳиссасини, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз, — деди Афғонистон элчиси. — Тошкент билан Кобул ўртасида ҳаво алоқаси ўрнатиш, ҳамкорлик масалалари билан шуғулланадиган қўшма комиссия тузиш, таълим соҳасида Ўзбекистондан ёрдам олиш масалалари биз учун устувордир.

Мамлакатимизнинг Германия билан ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш борасидаги мулоқотлар фаоллашмоқда. Хусусан, 2005 йилнинг декабрида Германия Федерал мудофаа вазирлигининг Парламент давлат котиби Фридберт Пфлюгер Ўзбекистонда бўлди. Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси раиси, "Даймлер-Крайслер" концерни маслаҳатчиси Клаус Мангольд икки бор ишбилармонларнинг йириқ делегацияси ҳамроҳлигида Ўзбекистонга келди. Унинг ташрифи асосида Тошкентда ва вилоятларда бизнес-форумлар ўтказилди. Жорий йилнинг июль ойида эса мамлакатимизга ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлер ташриф буюрди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Мамлакатимизда Германия сармояси иштирокидаги 127 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг йигирмага яқини тўла немис капитали асосида ташкил этилган. Ўзбекистонда ГФРнинг 54 етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида илм-фан, таълим, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда.

— Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳадаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга, — деди ГФР элчиси. — Ўзбекистоннинг ресурслари ва Германиянинг технологиялари бу йўналишдаги алоқалар кўламини янада оширишнинг муҳим омилидир.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»**ги 419—I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4—5, 124-модда) **7-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ёки жисмоний» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 сентябрь
№ ЎРҚ — 48

Маърифат соати

— Олимжон, эшитдингизми, кечқурун гузарда йиғилиш бўларкан. Тошкентдан келган олимлар маруза қилишармиш. Борасизми?

— Ҳайронман. Воизлар ҳам ҳар хил бўлишади. Баъзилари ичингга кириб кетса, айримлари зериктириб юборади.

(Бекатдаги суҳбатдан).

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Ўзингиз ҳақингизда ҳеч оддий одамларнинг фикрини эшитганмисиз? Тўғри келмаган дейсизми? Демак, сиз ҳали халқ ичига кириб бормабсиз. Тўғри, юзлаб, минглаб одамлар ҳузурида чиқиш қилган бўлишингиз мумкин. Лекин минбар ва пастдаги давра ўртасида кўринмас девор йиқилмаганча турaверибди. Лоақал бир неча дақиқа ўша одамлар кўзи билан ўзингизга қаранг. «Оппоқ кўйлакка галстук таққан бу одам бизнинг дардимизни қаердан билсин» — тахминан шундай баҳога эга бўласиз. Демак, ўртадаги бегоналик йўқолмаган. Шундай ҳолатда тингловчи сўзларингизга ишонмайди.

Ишониши учун кўнглингизни очишингиз керак. Афсус, аксарият ҳолларда одамлар билан мулоқотларда диллар ёпиқлигича қолиб кетади. Асосий мақсадга эришилмайди. Бугунги мустақилликнинг моддий негизлари мустаҳкам заминга таянган пайтда маънавий дунёқарашни тўғри шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилаётганининг сабабини барчамиз тушуниб етдикми?

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда имзолаган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори матбуотда чоп этилгандан сўнг жуда кўп зиёлилар билан шу мавзуда гаплашиб кўрдим. Уларнинг ҳаммаси бу ҳужжат айни вақтида қабул қилинганини, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти беқиёслигини таъкидлашди. Бу фикрларга асло эътироз билдиролмайман. Лекин кўнглимдан яна бир мулоҳаза ўтдики, уни ҳеч кимдан эшитмадим. Менинг фикримча, мазкур қарор қабул қилинишига сабаб бу борадаги ишларимиз давр қўяётган талаблар даражасида эмаслигидир. Зотан, қарорнинг дебочасида муайян ишлар амалга оширилаётгани қайд этилгач, Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилгани айтилади.

Негаки, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда ахборот жанги авжига чиқмоқда, ҳали дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимиз шабадага ҳам эгиладиган ниҳол каби нариги томонга ўтиш хавфи истисно этилмаган. Айрим кишиларда бир одат — камсуқумлик, жамоат ишларига аралашмаслик қусури борки, бу ҳар бир фуқародаги улуғвор ишларга дахлдорлик туйғусини сусайтиради. Демак, инсон вужудидаги салоҳият яшириниб ётаверади. Бир мисол. Кўп ҳолларда пойтахтдан борган ижодий зиёлилар, ҳуқуқшунослар, олимлар маҳаллий аҳоли билан учрашув ўтказганларида бу тадбирга, ўша ердаги раҳбарларнинг измига биноан, маҳалла фаоллари, лавозим эгалари, ўқитувчилар чақирилади. Қолганларчи? Амалдорларнинг ўйлашларича, қолганлар масала моҳиятига тушунишмайди ёки қизиқишмайди. Ахир бундай мулоқотлар айнан бирор ғояни, фикрни англатиш мақсадида ташкил этилади-ку?!

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон билан Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллалардан бирида учрашув ўтказдик. Мустақиллик туфайли туғилган имкониятлар тўғрисида бевосита ўша маҳалладаги ўзгаришлар мисолида дилкаш суҳбат қураётган эдик. Шунда даврадаги аёллардан бири шоирга қарата «Ҳа, гапираверинг, ҳамма нарсангиз муҳайё-да», дея луқма ташлади. Анвар Обиджон минбардан пастга тушиб ўз ҳаёти ҳақида муфассал гапириб берди. Ўтирганлар юз-кўзларида «Таниқли шоир ҳам ўзимиздай оддий инсон экан-ку» деган фикр, энг муҳими, ишонч пайдо бўлди.

Ҳаётнинг азалий қоидасига кўра, ҳамиша халқ битмас-туганмас ҳикмат, донишмандлик сарчашмасидир. Ҳар қандай даҳо, доно инсон ҳам халқ заковатидан қувват олмаса, маънан озиқланмаса, эл назарига тушолмайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги ёзиб қўйилган. Зотан, Президентимиз кўплаб анжуман ҳамда мулоқотларда заҳматкаш ва олижаноб халқимиз сизу биздан амалий ҳаракатлар кутаётганлигини уқтирадилар. Буни унутишга ҳақимиз йўқ.

Ш.ЖАББОРОВ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллик кунини нишонлаётган дамларда шахсан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриклар ва эзгу истакларни йўллаш, биродар халқингизга Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида юксалиш ва фаровонликка эришиш йўлидаги интилишларига муваффақиятлар тилашдан беҳад мамнунлигимни билдираман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мамлакатларимиз ва халқларимизни садоқатли исломий қардошлик, дўстона тушуниш ва ўзаро ҳурмат ришталари бирлаштириб туришидан бағоят хурсандлигимни изҳор этаман. Мазкур ришталари биродар халқларимиз ва бутун мусулмон уммати манфаатлари учун мустаҳкамлаш йўлида Сиз билан биргаликда ишлашни давом эттириш истагимни яна бир бор таъкидлайман.

Сиз, Жаноби Олийларидан юксак эҳтиром ва ҳурматимни қабул қилишингизни сўрайман.

Муҳаммад ОЛТИНЧИ,
Марокаш Подшоҳи.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий байрамини нишонлаётган дамларда Сиз, Жаноби Олийларига ўз номимдан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табриклар ва холис истакларни йўллаб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига давомий юксалиш ва равнақ тилашдан беҳад бахтиёрлигимни билдираман.

Ушбу муносабат билан мамлакатларимиз ўртасида мавжуд дўстона алоқалар ва ҳамкорлик биродар халқларимиз манфаатлари йўлида ривожланиб ва юксалиб бораверишидан умидвор эканлигимни билдиришдан хурсандлигимни изҳор этаман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари орқали ўзбек халқига ўзимнинг қутловларим ҳамда бахт ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллайман.

АЛЬБЕРТ,
Бельгияликлар Қироли.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Швейцария Конфедерацияси Федерал Кенгаши ва шахсан ўз номимдан Сизга ва мамлакатингизга истиқболда фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллаш шарафига муяссарман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимият ила,

Моритц ЛОЙЕНБЕРГЕР,
Швейцария Конфедерацияси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Ўзбекистон Халқ демократик ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди.

Фракциялар йиғилиши

ЎзХДП фракцияси йиғилишида мамлакатимиз раҳбарининг "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қарор ХДП Дастурида белгиланган мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қилади. Шу боис фракция аъзолари Дастурнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш масалалари ҳақида фикрлашиб олдилар.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг вазирликлар ва муассасаларнинг вакиллари иштирокидаги навбатдаги йиғилишида эса "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Фракция аъзоларининг эътироф этишича, Оила кодексининг 49-моддаси матнига киритилаётган тузатиш фуқаролар, мутахассислар ва суд томонидан никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ишларини кўриш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Шунингдек, фракциялар йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари тўғрисида"ги 222-II-сонли Қарорига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

Фракцияларда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Наманганга саёҳат

Ўзининг қирмизи олмалари билан довруғ таратган Наманган нафақат сахий боғлари, балки мозийдан ҳикоя қилувчи тарихий обидалари, кишига оламолам завқ бахш этувчи дилтортар гўшалари билан ҳам файзли. «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Экосан» халқаро ташкилоти вилоятда туризм ва сайёҳликни ривожлантиришга хизмат қилувчи ана шундай ажойиб масканлар етарли эканлигини ҳисобга олиб «Наманган олмаси» халқаро сайёҳлар фестивалини ташкил этди. Унда иштироқ этган 120 нафар сайёҳлик фирмалари раҳбарлари, туроператорлар сафида Германия ва Австриядан келган вакиллар ҳам бор.

Икки кун давом этган анжуман қатнашчилари вилоятнинг тоғлар бағрида жойлашган Косонсой, Янгиқўрғон туманларидаги хушманзара гўшалари билан яқиндан танишдилар. «Ипак йўли» йўналишида туризмни ривожлантиришда Фарғона водийсининг тутган ўрни» мавзуидаги давра суҳбатида қизғин баҳслар бўлди. Сайёҳлар Нанайнинг машҳур олмаларини ўз қўллари билан териб олишди.

Экофестиваль давомида вилоятда туризм ва сайёҳлик хизматини кенг йўлга қўйиш, бу ишга халқаро сайёҳлик ташкилотлари, сармоядорларни жалб этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

МАКТАБГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Халқ таълимидаги ислоҳотлар

Диққат, янгилик!

ҚОРАҚАЛПОҚ ОЛИМИНИНГ ИХТИРОСИ



АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Имом Бухорий ҳадисларидан

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин қутловларимни йўллайман ҳамда Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса равнақ ва фаровонлик тилакларимни изҳор этаман.

АНРИ,
Люксембург Буюк Герцоги.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Кипр Республикаси халқи ва ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Тассос ПАПАДОПУЛОС,
Кипр Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан самимий қутловлар ва илиқ тилакларни Сиз, Жаноби Олийларига йўллашдан ғоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар халқларимиз равнақи йўлида келгусида ҳам мустаҳкамланиб, икки томонлама ҳамкорликнинг янги йўналишларида ривожланиб боришига ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Махинда РАЖАПАКСЕ,
Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти.

Маънавият

Маълумки, азал-азалдан инсоннинг маънавий, ахлоқий ва жисмоний такомили жамият кўрки ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бу масалага ҳамиша катта эътибор бериб, авлодларининг ҳар жиҳатдан етук бўлишлари учун етарли шарт-шароитлар яратишга интилганлар. Дунёда ахборот ва электроника асри деб ном олган бугунги кунимизда комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш ҳар қачонгидан-да муҳим. Нега? Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин КОМИЛОВ билан суҳбатимизда ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қилдик.

ИНСОН ЭЗГУЛИК УЧУН ТУҒИЛГАН

— Маълумки, ҳар қандай баркамоллик ва мукаммаллик замирида одоб ётади. Шунинг учун, аввало, ана шу фазилат хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Одоб инсоният тарихининг ажралмас қисмидир. У тарбия билан бевосита боғлиқ. Исломда ҳар бир нарсанинг ўз одоби бор. Одобга бағишланган машҳур асарларнинг кўпчилигини исломий халқлар вакиллари ёзган десак, муболаға бўлмас. Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларини жамловчи китобларнинг ҳар қайсисида «Китобул адаб» номли ички китоблар мавжуд. Буюк муҳаддис имом ал-Бухорий ўзининг энг муҳим асари «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»да одобга катта ўрин берганидан ташқари, алоҳида «Ал-адаб алмуфрад» рисоласини ҳам яратган.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай ҳикоят келтирилган: Ов пайтида Хусрав Парвезнинг шоҳлик тожидан зийнати мамлакат хирожи билан тенг бўлган гавҳар йўқолди. Саройга қайтилгандан сўнг халойиққа жар солдилар. Гавҳарни топиб келган кимсага катта инъом ва мукофот ваъда қилинди. Биёбонда гавҳарни топиш орзусида юрганлар бири ғофил, бири огоҳ икки ҳамроҳни учратдилар. Тавозе ва одоби туфайли улуғвор бўлгани Муқбил, жоҳиллиги сабабли гердайгани эса Мудбир эди. Мудбир такаббурлик қилиб, инжу ахтариб юрганлар бошлиғига салом бермай ўтиб кетди. Муқбил инсонийлик юзасидан унга энгашиб салом берди ва шу онда оёғи остидаги гавҳарни кўрган заҳотиёқ уни қўлига олиб, ўпиб, ҳурмат билан бошлиққа тақдим этди. Бошлиқ уни ўзи билан бирга саройга олиб келиб, бўлиб ўтган воқеани Хусравга сўзлади. Шоҳ Муқбилга ташаккур изҳор айлаб, ҳаддан зиёда эҳсонлар билан сийлади. Мудбир такаббурлигидан ҳаммомга ғўлоҳ бўлди. Хуллас, ким нимани ютса фақат одоб билан ютади, қуласа ҳам фақатгина беодоблик билан қулайди.

— Одоб тасаввуфда қандай ўрин тутади?

— Айтиш мумкинки, одоб тасаввуф аҳлининг шиори бўлган. Тасаввуфнинг қоидаларидан бири «Ҳақ ва Халқ билан одоб бўлмагунча сайри сулук бўлмас». Яхши ахлоқ ва ғўзал хулқ билан зийнатланганлик суфийнинг кўзга кўринган аломатларидан биридир. Чунки беодоблик сулукнинг барчасини бузади.

Насиҳат ва ваъз қилиш, беҳуда гапларни гапирмаслик, ғийбат, чақимчиликдан йироқ бўлиш, сўкмаслик тилнинг одобига киради.

Қулоқнинг одоби ҳикмат ва дину дунёга фойда берадиган нарсани эшитмоқ, суҳбатдошини эътибор ила тингламоқдан иборат.

Ножоиз нарсаларни кўрмаслик кўз одобидир.

Яхшилик ва эзгуликларга риоя қилиш, уларни ривожлантириш ҳамда ҳар бир нарса ҳақида тўғри фикрлаш қалб одоби ҳисобланади.

Қисқача қилиб айтганда, тасаввуфда ҳар бир нарсанинг ва ҳар бир шахснинг одоби кимга, нимага нисбатан қандай бўлиши белгиланган. Кишиларни, аҳли тасаввуфни юксак одоб эгаси қилиб тарбиялаш мақсад қилиб қўйилган. Буларнинг барчаси демократик жамият қуриш жараёнида ҳам катта аҳамиятга молик. Чунки ҳар қандай жамиятнинг гўзал ва фаровонлиги, энг биринчи навбатда, фуқароларнинг одобу ахлоқига боғлиқ бўлади.

— Бугун бутун дунёда мафкуравий жараёнлар глобаллашуви натижасида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Бундай вазиятда ўз мустақил фикри ва кучли эътиқодга эга бўлмаган одам гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бера олмаслиги ҳам бор гап. Хусусан, баъзи ёшларда бу ҳол кузатилмоқда. Уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилишнинг қандай йўллари ва усуллари мавжуд?

— Ислом халифалигини тиклаш, тарихимиз, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар, ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси, халқни маънавий жиҳатдан бузадиган ахлоқсизликни тарғиб қилиш, турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар бугунги кунда жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлардир. Бу таҳдидлар инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни миллий қадриятлар ҳамда умумбашарий цивилизация ютуқларидан бебаҳра қолдириб, натижада қарам қилиб олишдек тажовуздир.

Юртбошимизнинг «ғояга қарши ғоя билан курашиш», деган ажойиб иборалари бор. Биз унга амал қилган ҳолда халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асрайдиган соғлом ва инсонпарвар миллий мафкура яратиш йўлидан бормоқдамиз. Яна шуни фахр билан айтиш керакки, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда миллий ғоямиз мададкордир.

— Таниқли инглиз олими Тойнби, шунингдек, Ғарбдаги бир қанча файласуфлару сиёсатчилар ҳам Ғарб цивилизациясини асосан жаҳон маданияти ва маънавиятини ижобий йўналишда бошқарадиган етакчи куч деб биладилар. Уларнинг наздида бутун дунё охир-оқибат ўз миллий маданиятларидан воз кечиб, Ғарб турмуш тарзи, урф-одатлари ва ахлоқини қабул қилиши лозим. Ушбу фикрлар асос эътибори билан тўғрими? Ғарб маданияти шунақа мафтункорми? У инсониятга нима келтиради? Умуман, биз Ғарбдан нима ўрганамиз ва нимасини рад этамиз?

— Ҳозирги ривожланган Ғарб цивилизацияси асоси инсон манфаатлари масаласи билан боғлиқ эркинликларни ҳимоя қилиш заминида қарор топган. Аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, эркинлик бир томондан инсон ривожи учун шароит яратиб, истеъдодлар рўёбга чиқиб, илм-фан, техник тараққиёт гуллаган, иқтисодий ўсишга сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, маънавий қадриятларга беписанд қараш, анъаналардан воз кечиш ахлоқий инқирозлар юз беришига олиб келди. Оила ва никоҳ қадриятлари Европада аёллар озодлигини чеклаб турувчи восита сифатида таназзулга учради. Мисол учун Казановачиликни олиб кўрайлик. У машҳур авантюрист ҳамда аёллар қалбини забт этувчи Иаков Казанова (XIX) номи билан боғланган бугунги Европанинг маданий ва савдо-сотиқ ўчоқларидир. Казанова ўз даври ахлоқи борасида шундай сўзларни айтган эди: «Бизнинг бахтли замонимизда фоҳишалар мутлақо керак эмас, чунки мақбул аёллар сизнинг истагингизга бажонидил юз буришади». Бу фикр ҳар ҳолда ўша замонда жамиятда ҳукм сурган ахлоқий муҳитнинг тубан кетганини характерлайди.

Дунёга чиқиб бораётган бугунги кунимизда иқтисодий тараққиётдаги ютуқлар, интернет тизими орқали ахборот алмашув, техника ва технология соҳасидаги янгиликлар-у қулайликларни ўзлаштиришда ғарбликлардан ўрганиш-у уларга тенглашишнинг ҳеч бир зарари йўқ. Аммо маънавий-ахлоқий жиҳатдан уларга ҳавас қилиш ва эргашиш халқимиз менталитетига тўғри келмайди. Ўзимизда асрлар мобайнида шаклланган маънавий қадриятларга содиқлик, асраб-авайлаш ва бошқа халқларга кўз-кўзлаш, улар билан фахрланиш келажагимиз эгаси бўлган ёш авлод камолотида муҳим роль ўйнайди.

«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Тошкент Ислом университетида «Замонавий мусулмон жамиятларида дин ва ёшлар» мавзуига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция якунланди. Тадбир Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Имом ал-Бухорий номидаги илмий-маърифий марказ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Конференция ишида Германия, Россия, Миср, Кувайт, Туркия, Индонезия, Марказий Осиё мамлакатларидан келган нуфузли исломшунос олимлар ва экспертлар ҳамда БМТ, ЕХҲТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Тошкент Ислом университетида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган анжуманнинг бош мақсади — жаҳондаги ўта мураккаб жараёнларни баҳолашдаги иккиёқлама андозаларнинг асл моҳиятини очиб бериш, диннинг замонавий жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик ғояларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш йўлларини муҳокама этишдир.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг миллатлараро муносабатлар масалалари ва дин ишлари бўйича Давлат маслаҳатчиси Шоазим Миноваров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Имом ал-Бухорий номидаги республика илмий-маърифий маркази раҳбари Зоҳидулла Мунавваров, Тошкент Ислом университети ректори Шуҳрат Ёвқочев, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика маркази директори Акмал Саидов сўзга чиқди.

Ф. Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Райнхард Крумм ўз чиқишида ҳозирги вазият барча дин ва конфессияларнинг асл мақсади, яъни ҳар қандай зўравонликни сўзсиз қоралаб, халқлар ўртасидаги уйғунликни қўллаб-қувватлашни ҳар қачонгидан кўра биринчи ўринга қўяётганини қайд этди. Унинг фикрича, ҳар йили ўтказилувчи мазкур конференция асрлар давомида турли дин ва маданиятларнинг ҳамкорлиги маркази бўлиб келган Ўзбекистонда ўтаётгани бежиз эмас.

— Давлат мустақиллиги қўлга киритилган даврдан бошлаб, мамлакат раҳбарияти диннинг одамларни маънавий ва ахлоқий қадриятларга ошно қилишини, эътиқодни аҳоли орасида, айниқса, ёшлар ичида нотўғри талқин этувчи кимсалардан ҳимоя этилишини ёқлаб келмоқда, — деб қайд этди Р. Крумм. — Мазкур форум давлат ва дин ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш йўллари, ёшларнинг исломдаги роли ва ўрни, диний шиорлар билан ниқобланган турли экстремистик кучларнинг мақсадлари, диний бағрикенгликни тарбиялаш воситаси сифатида ёшлар ўртасида диний-маърифий ишларни ривожлантириш борасида фикр алмашиш учун қулай имконият яратди.

Берлин озод университети профессори Гудрун Кремер дин ва ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этувчи Ўзбекистонда муҳим масалалардан бири эканини қайд этди.

— Ёшларнинг жамиятдаги ролини муҳокама этиш, уларга ислом маданияти ва бағрикенглигини ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деди Г. Кремер.

Конференция иштирокчилари ўз мамлакатларининг бу борадаги тажрибаси билан ўртоқлашишди, бу соҳада қонунчиликни қўллаш амалиёти, динлар ва давлат муассасалари, динлар ва таълим тизими, динлар ва сиёсат ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини муҳокама этди.

— Конференция жуда ажойиб руҳда ўтди, — деди Кувайтдаги Араб очиқ университети профессори Фахд ал-Мекрад танаффус чоғида. — Учрашувда муҳокама этилган мавзу ислом оламида ғоят долзарб аҳамият касб этади. Мунозаранинг Тошкентда ўтаётгани эса айниқса қувонарлидир. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Наср ал-Фаробий ва бошқа буюк ўзбек алломаларининг ислом цивилизациясига нечоғлик улкан ҳисса қўшгани барчамизга яхши маълум. Ўзбекистон ёшлари ўз аждодларининг буюк меросини асраб-авайлаётгани ва ўрганиб келаётганини таъкидлашдан мамнунман.

— Ўзбекистонда ёрқин истиқболга эга бўлган маърифий ва бағрикенг ислом мустаҳкам асосга эга, — деб таъкидлади Индонезиянинг Парамадина университети проректори Юди Латиф. — Конференция ёшларни ушбу буюк диннинг эзгулик, тинчликпарварлик ва инсонийлик анъаналарига ошно қилиш борасидаги стратегияларни ишлаб чиқишда улкан аҳамият касб этди.

Мунозаралар якунлари бўйича олим ва экспертлар бешинчи бор ўтказилаётган ва дунёдаги нуфузи мустаҳкамланиб бораётган Тошкент конференциясида иштирок этган давлатлар ҳукуматлари учун тавсияларни ишлаб чиқди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
Олег ШАТУНОВСКИЙ.
«Жаҳон» АА.
Тошкент.

Сўнгги йилларда юртимизда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиб бораётганлиги, бу борада хусусий сектор вакиллари аллақачон улоқни ўз қўлига олганлиги ишлаб чиқарувчилар орасида ҳақиқий бозор рақобатини тобора кучайтирмоқда. Бугун ўзбек тадбиркори бир ҳақиқатни жуда яхши билади: мақсад бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришми, бу товар мукаммал даражада бўлиши шарт.

РАҚОБАТ КЎРГАЗМАДА БИЛИНАДИ

Ҳозирга келиб, тадбиркорлар маҳсулот сифатини ва маълум маънода ишлаб чиқарувчининг обрўсини белгилаб берувчи қадоқлаш ва этикеткалашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Аввалларида ҳеч кимнинг ҳатто хаёлига ҳам келмаган этикетка (ёрлиқ) ва қадоқлаш масаласи бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган оддий конфетдан тортиб, телевизоргача — ҳар қандай маҳсулот сифатининг асосий шартидан бирига айланганига пойтахтимизда иш бошлаган «O'ZBEKinPRINT» ва «O'ZuPACK» 8-халқаро кўргазмаларида гувоҳ бўлдик.

Улардан биринчиси ноширлик, матбаа, реклама саноатига ихтисослашган бўлса, иккинчиси идишлар, қадоқлаш, ёрлиқларга бағишланган. Табиийки, ўтган йиллар давомида ўзини тўла оқлаган ва мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар учун айни муддао бўлаётган бундай кўргазмага қизиқиш жуда катта. Бу сафар «Ўзэкспомарказ»да очилган салонга мамлакатимиздан ташқари, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистондан 3 мингдан зиёд ишбилармон доира вакиллари ташриф буюрди. Кўргазма ташкилотчиларининг фикрича, бу йил 60 дан ортиб кетган иштирокчи компаниялар орасида Ўзбекистон вакилларининг кескин кўпайганлиги ушбу кўргазманинг ўзига хос жиҳати бўлди. Тадбиркор юртдошларимизнинг HEIDELBERGER (Германия), EPSON (Япония), ACME MACHINERY (Ҳиндистон), STEKA SA (Франция) сингари дунёга машҳур компаниялар билан бемалол рақобат қилишга бел боғлагани ва шундай нуфузли кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан қатнашаётгани, албатта, қувонарли. Қолаверса, улар орасида «Офис-маркет», «ColorFlex», «Ruta-Print», «Тонг» сингари компаниялар аллақачон минтақамизда машҳур бўлишга улгурган.

Айтиб ўтганимиздек, кўргазмаларда нафақат реклама, қадоқлаш ва этикеткалаш саноати компаниялари, балки ноширлик ва матбаа билан шуғулланувчиларга ҳам кенг ўрин ажратилган. «Ўзбекистон», «O'qituvchi», «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Маънавият», «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», Чўлпон, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйлари ташкил этган кўргазмалар юртимизда ноширлик ва матбаа соҳаси қисқа муддат ичида нақадар катта ютуқларга эришганини яққол кўрсатиб турибди.

— Кўргазманинг биринчи кунидан жуда мамнунмиз, — дейди Россиянинг нашриёт ускуналари етказишга ихтисослашган «PolygraphSpectr» компанияси менежери Камолиддин Рўзиев. — Шу кунинг ўзидаёқ биз кўплаб салоҳиятли мижозлар билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлдик. Энг муҳими, кўргазмада орттирган тажрибаларимиз ва мижозлар фикри асосида биз ўз ишлаб чиқариш стратегиямизга баъзи тузатишлар киритишимиз кераклигини англаб етдик.

Дарвоқе, кўргазмада ноширлик ва қадоқлаш жараёнидаги барча босқичлар қамраб олинганлиги ҳам катта муваффақият сифатида қайд этилмоқда. «O'ZBEKinPRINT» ва «O'ZuPACK» халқаро кўргазмаси давом этмоқда.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Қадимий қалъада фестиваль

Хива шаҳрида «Қадимги Хоразм маданияти» фестивали ўтказилди. Фестиваль қатнашчилари икки кун мобайнида шаҳарнинг «Ичон қалъа» музей-қўриқхонасида ташкил этилган ҳунармандлар ва рассомлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси, экосайёҳлик бурчагини томоша қилдилар. Ўзининг ўн асрлик юбилейига қизғин ҳозирлик кўраётган Хоразм — Маъмун академиясидан Қўҳна Арк майдонигача туя карвонларда «Буюк Ипак йўли»нинг кўриниши намойиш этилди.

Музей-қўриқхонада жойлашган барча мадраса ва музейларда қадимий халқ урф-одатлари акс этган «Бешик тўйи», «Лачак тўйи», «Келин салом» ва халқ ҳунармандчилигининг нодир намуналари, Хоразм ва Бухоро миллий кийимлари меҳмонларда катта таассуротлар қолдирди.

Қўҳна Арк майдонида фестивалнинг расмий очилиш маросими бўлди. Қадимги Хоразм маданиятини сақлаш, қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда ушбу фестивални ҳамкорликда ўтказаётгани учун ЮНЕСКО, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Экосан» халқаро ташкилоти, Германия халқ университетлари ассоциациясининг халқаро институтига миннатдорчилик билдирилди.

Жума масжид мадрасасида фестиваль доирасида «Экосан» халқаро ташкилотининг «Хоразм минтақасида экотуризм» тақдимоти бўлди.

Фестиваль қатнашчиларига театрлаштирилган «Хон чиқар» ва бадиий жамоаларнинг чиқишлари намойиш қилинди.

Шержон МАШАРИПОВ.

Болалар спорти

Яқин-яқингача мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида замонавий спорт мажмуалари бунёд этилади, деса биров ишонарди, биров йўқ. Шукрки, шундай кунларга етиб келдик. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган спорт мажмуалари бугун қишлоқларимизни безаб турибди. Аҳамиятлиси, бу масканлардаги спорт тўгаракларида минглаб болажонлар чиниқиб ўсмоқдалар, спортга ошно тутинмоқдалар.

Соврин — зўрники, соғлиқ — кўпники



Эндиги мақсад ана шу мажмуаларда мусобақалар ташкил этиб, ёшларни спортга кенгроқ жалб этишдан иборат. Қўшработ — Самарқанд вилоятининг чорвачиликка ихтисослашган туманларидан саналади. Мактаблардагини ҳисобга олмаганда яқингача, туман ёшлари учун бирорта кўзга кўринадиган спорт мажмуаси йўқ эди. Шуларни ҳисобга олган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бундан икки йил муқаддам туманнинг бир неча қишлоқлари марказида замонавий спорт мажмуасини фойдаланишга топширди. Бу ерда спортнинг ўнлаб турлари қатори бадиий гимнастика тўгараги ҳам ишлаб турибди. Яқинда ана шу маскан жамғарма соврини учун ўтказилган республика турнирига мезбонлик қилди.

Турнирда юртимизнинг кўзга кўринган, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этган жамоалари вакиллари эмас, аксинча катта спортда ҳали суяги қотмаган, етарли тажрибага эга бўлмаган энг чекка туман ва қишлоқлардан келган 180 нафар қизлар иштирок этишди.

Мусобақа қатнашчилари уч кун давомида бадиий гимнастиканинг турли йўналишлари бўйича ўз имкониятларини синаб кўришди. Унда самарқандлик Алёна Ким ва Сальге Ягле, каттақўрғонлик Шаҳноза Сафарова, Мафтуна Қувондиқова ва Маъсума Шерназарова, пахтачилик Мадина Ярашева ва Шаҳноза Ғуломова ҳамда қашқадарёлик Заҳро Арабовалар ўз йўналишлари бўйича ғолиб чиқдилар.

Шунингдек, Иштихон туманида жамғарма соврини учун юнон-рум ва эркин кураш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятидан келган 200 нафардан зиёд ёш полвонлар иштирок этдилар.

Ҳар иккала турнир ғолиблари ва барча иштирокчилар жамғарманинг диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Анвар МУРСАКУЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси матбуот котиби.

"Халқ сўзи" назоратида

Алоқа тизими яхшиланмоқда

Газетамизнинг шу йил 13 май сонида "Асаббузар телефонлар" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Шовот туманига қарашли Чўқли қишлоғидаги алоқа тизимининг носозлиги қаламга олинганди. Мазкур мақола юзасидан "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг таҳририятимизга йўллаган жавобида айтилишича,

"Ўзбектелеком" компаниясининг вилоят филиали Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят бошқармаси масъул ходимлар билан биргаликда масалани жойида ўрганган. Ўрганиш жараёнида мақола муаллифи О.Сатторов билан учрашиб, унинг хонадонидаги телефон меъёрида ишлаб тургани, лекин Шовот тумани, "Хоразм" ширкат хўжалигида жойлашган телефон станцияси ҳақиқатан ҳам ушбу ҳудудда электр таъминотидаги 6-10 соатли узилишлар даврида ишламаганлиги маълум бўлган.

"Хоразм" ширкат хўжалигида жойлашган телефон станциясининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида ушбу станцияни иккинчи электр таъминотига улаш чоралари кўрилмоқда. Бошқарма Шовот тумани "Хоразм" ширкат хўжалигида жойлашган телефон станциясининг меъёрида ишлашини таъминлашни назоратга олган. Шунингдек, телекоммуникациялар тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш дастурига кўра ҳозирги кунгача вилоятдаги барча туман марказларига рақамли телефон станциялари ўрнатилиб, уларга рақамли оқимлар етказилган. 2010 йилгача ушбу дастурга асосан барча қишлоқ телефон станцияларини рақамли станцияларга алмаштириш режалаштирилган".

ФУТБОЛ

Ишқибозлар истаги: Японияда ғалаба такрорланса

Қатар пойтахти Дохада ўтадиган XV Осиё ўйинлари бошланишига уч ойдан кам вақт қолди. Қитъамизнинг нуфузли мусобақаси дастуридан миллионлар ўйини — футбол ҳам жой олган.

Ўзбекистон терма жамоаси (мусобақада 23 ёшгача бўлган футболчилар қатнашади) мазкур ўйинга жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Қураъ натижаларига кўра, футболчиларимиз «А» гуруҳидан жой олишди. Юртдошларимиз гуруҳ босқичида Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва ўтиш турнирида қатнашадиган Иордания, Тожикистон, Қирғизистон ва Макао терма жамоалари ғолиби билан баҳс юритади.

Эсингизда бўлса, ўзбекистонлик футболчилар 1994 йилда Японияда ўтган XII Осиё ўйинларида қитъанинг манаман деган терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритган эди. Аммо, вакилларимиз кейинги Осиё ўйинларида кўнгилдагидек қатнаша олмадилар. Ўзбекистон футбол федерацияси ахборот-таҳлил бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, бу сафар ҳамюртларимиз олдига юксак вазифалар қўйилган. Улар майдонда фақат бош соврин учун курашадилар. Чунки, келажакда айнан шу ёшлар ичидан мамлакатнинг асосий терма жамоаси шакллантирилиши кўзда тутилган. Футболчиларимиз ўн икки йил муқаддам қўлга киритилган тарихий ғалабани такрорлай олармикан?

«В» гуруҳида кейинги босқич йўлланмаси учун Жанубий Корея, Баҳрайн, Вьетнам ва Бангладеш футболчилари баҳс юритади. Таиланд, Кувайт, Яман ва Фаластин терма жамоалари «С» гуруҳидан жой олган. «Д» гуруҳида Эрон, Ҳиндистон, Гонконг ва Мальдив ороллари футболчилари бор. «Е» гуруҳида кейинги босқич йўлланмалари учун Хитой, Уммон, Малайзия ва иккинчи ўтиш турнирида қатнашадиган Сингапур, Сурия, Индонезия ва Ироқ жамоалари ғолиби беллашади. Ниҳоят сўнгги — «F» гуруҳида мухлислар Япония, КХДР, Туркманистон ва Покистон терма жамоалари баҳсларини томоша қилишади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001
Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.
Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.
Компания мижозлари:
● «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
● «Муборакнефтгаз» УШК
● «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
● «Қашқадарёгазсаноатқурилиши» ОАЖ
● «Rubicon Wireles Communication» ҚК
● «УзДонгВон КО» ҚК
● «UZEXIDE» КК
● «АВТООЙНА» ОАЖ
● «ТАТ-Реестр» МЧЖ
● «Vinlad» ИИК ва бошқалар
Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

DQS
«DQS QUALITY SYSTEMS» компанияси сертификация бўйича немис **DQS GmbH** органининг расмий ҳамкори ҳамда вакили сифатида қуйидаги хизматларни таклиф қилади:
- бошқарув тизимини ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, ISO 22000, HACCP, GMP ва бошқа стандартлар бўйича сертификациядан ўтказиш;
- лабораторияларни ИСО 17025 стандарти бўйича аккредитацияга DAP орқали тайёрлаш (аккредитация бўйича немис органи);
- Европа стандартлари IFS/BRC бўйича маҳсулотларни сертификациядан ўтказиш;
- тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бошқарув тизимини EN13485/88 бўйича сертификатдан ўтказиш;
- турли мутахассисликлар бўйича ишчилар квалификациясини сертификациялаш;
- ISO/IEC 27001 сифат менежмент тизими стандарти бўйича маълумотлар хавфсизлигини сертификациядан ўтказиш;
- юқорида кўрсатилган стандартлар бўйича ўқитиш.

DQS GmbHнинг ташкилотчилари ва акционерлари:
DIN — стандартлаштириш бўйича немис институти;
DGQ — сифат бўйича немис жамияти.
Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 75-уй, 7-қават, «ИНКОНЕЛЬ» бизнес-маркази.
Тел./факс: 120-30-92, 120-30-91, 404-59-90.
E-mail: Alaudinov_D.dqs@mail.ru
http: //www.dqs.de

Компания мижозлари:
Daimler Chrysler AG, Siemens, Henkel, Lufthansa, Porsche, Barilla, Degussa, Kraft Foods, Commerzbank, KPMG, 3M, «UZEXIDE» ҚК, УКК «Муборакнефтегаз», «Hobas TAPO» ҚК ва бошқалар, 30 мингдан ортиқ сертификатлар.

Ушбу таклиф вақтинча фақат Тошкентда амалда
Хизматлар лицензияланган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

15 йил
УЗДУНРОБИТА
СИЗ БИЛАН БИРГА
ЎЗБЕКИСТОНДА
1000 000 дан
ЗИЁД АБОНЕНТЛАР ТАНЛОВИ!
WWW.MTS.UZ
МТС
Хизматлар лицензияланган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

Умуммиллий дастур — амалда!

Ургут табиатининг ўзига хос, такрорланмас жиҳатлари бор. Унинг пурвиқор тоғлари, сўлим боғлари, меҳнаткаш ва танти халқи таърифи ҳатто хорижга ҳам кетган. Туманда айни пайтда иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида талай ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, таълим тизими ҳақида гап кетганда ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

ШАҲАРДАГИДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН МАКТАБЛАР

Тарихи олис ўтмишга бориб тақаладиган ушбу маскан, бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли кўплиги жиҳатидан олди ўринларда туради. 400 мингга яқин аҳолиси бор туманда 135 та мактаб мавжуд. Уларда 98910 нафар ўқувчи таълим олади. Энг муҳими, бугунги билим масканлари туманнинг энг чекка қишлоқларида ҳам қад ростлаётгани ёшу қарига бирдек маъқул бўлаяпти. Масалан, Ургутнинг энг олис қишлоқларидан бири — Оқтошни олайлик. Бу ердаги 115-мактаб бутунлай яроқсиз аҳволга тушиб қолган эди. Айни пайтда дарс ўтишнинг ҳам, амалиёт олиб боришнинг ҳам ҳожати қолмаган мактаб ўрнида умуммиллий дастур туфайли шаҳардагидан асло қолишмайдиган илм маскани қад ростлади. Худди шунингдек, олис Ғўс қишлоғида яқинда бунёд этилган 8-мактаб ҳам ҳудуд кўркига кўрк қўшди. Буларнинг барчаси Президентимиз айтганларидек, қишлоқ боласининг шаҳардаги тенгдошидан қолишмайдиган даражада тарбияланиши учун кўрсатилаётган ғамхўрликдир.

— Мамлакатимизда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши ва уни амалга ошириш юзасидан ҳукумат қарорининг изчил рўёбга чиқарилиши мактабларимиздаги шарт-шароитни тубдан яхшилашга, таълим-тарбия жараёнидаги мавжуд имкониятларнинг янада ошишига хизмат қилмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Қуддусхон Асқаров. — Шу асосда умумтаълим биноларини, муҳандислик коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш йўналиши бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилди. Ҳозиргача туманда 3460 ўринли мактаб биноларини қурилиб фойдаланишга топширилди.

Тўғри, бундай юмушлар бугун ҳар бир туманда, қишлоқларда бажарилаяпти.

Яқин-яқингача тор ва ноқулай хоналарда ўқиётган, паст ва қўпол мебелларда ёзув-чизув қилаётган ўқувчилар эндиликда замонавий, ҳар жиҳатдан қулай жиҳозлардан фойдаланиш бахтига мушаррраф бўлмоқдалар. Олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли нафақат мактабларнинг ташқи кўриниши, балки ундаги жиҳозлар ҳам янгиланмоқда.

Ўқув масканларини пишиқ-пухта, замонавий мебеллар билан жиҳозлаш учун катта маблағ кераклигини ҳамма билади. Аммо билган бошқа, мазкур ишга бош бўлиш бошқа. Бу хусусда ўйласак, мактабларимизни ривожлантиришга қаратилаётган ғамхўрлик мисли кўрилмаган эътибор эканлигини англаш қийин эмас.

Биз туманнинг боббрў кишиларидан бири Умрзоқ ота билан суҳбатлашиш жараёнида айни шундай фикрга келдик.

— Мен ҳозир саксон ёшдаман, — дейди у киши. — Саводимни қашқадарёлик бир мударрис кўмагида чиқарганман. Ишонсангиз, Қашқадарё-Ургут оралиғида қатнаб ҳолдан тоярдим. Ҳафтада бир келмасам бўлмасди, уйда хаста онам, укаларим бор эди. Ҳам сабоқ олардим, ҳам одамларнинг хизматини қилиб, икки-уч сўм орттириб рўзғорни аранг тебратардим... Бугунги қурилган янги замонавий мактаб биноларига қараб туриб, гапнинг очиғи, кувончдан йиғлагим келади. Болалигим билан бугунги авлодни таққослаб, мўъжиза-ку, булар, дейман ўзимга ўзим. Энди бизнинг ёшимиз ўтди — қайтадан бола бўлишнинг имкони йўқ. Аммо биз тенгиларнинг зиммасида катта вазифа бор. У ҳам бўлса, фарзандларимизга, набираларимизга бундай муҳташам мактаб биноларини асраб-авайлашни уқтиришимиз шарт. Китобни қадрлаш, чин дилдан, меҳр билан илм олишга ундаш, охир-оқибат комил инсон бўлиб, элюрт корига яраши қулоқларига қўйиш биз, кексалар учун фарздир...

Бу гаплар қатида бир олам маъно бор. Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ҳар ҳафтанинг жумаси "Мактаблар куни" деб атала бошлаши эса қайсидир маънода отахон айтган сўзларга мантиқан яқиндек. Зеро, "Мактаблар куни"да бошқарма вакиллари туманларда бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини ўрганадилар, ҳар бир жараённи таҳлил этадилар.

Худди шундай гуруҳнинг Ургут туманига сафари яқинда фойдаланишга топширилган 29-мактабдан бошланди. Мактаб 420 ўринга мўлжалланган бўлиб, икки қаватли бинода жойлашган. Қурилишга бюджет ҳисобидан 865 миллион сўм маблағ сарфланган. Ўқувчиларга 49 нафар малакали педагог таълим-тарбия бермоқда. Фан кабинетлари, замонавий ўқув лабораториялари мавжуд. Дарсликлар, ўқув-услубий материаллар етарли.

"Ургут уй-жой" хусусий фирмаси томонидан 2005 йилда жорий таъмирланган 27-мактабда ҳам ўқиш-ўқитиш ишлари намунали йўлга қўйилган. Таълим масканида 35 та синфхона мавжуд бўлиб, барчаси бугунги кун талаблари даражасида. Бу синфхоналар 1043 нафар ўқувчини ўз бағрига олган. Қурилиши, таълим-тарбия жараёни кўнгилдагидек бўлган бундай мактаблардан ўнлаб мисоллар келтириш мумкин.

— Ҳали олдимизда турган вазифалар кўп, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири. — Янги мактаблар барпо этиш, капитал реконструкция қилиш ишлари давом этмоқда. Яқин икки-уч йилда мактабларимизнинг 100 дан ортиғи замонавий биноларга эга бўлади. Яратиладиган бундай имкониятлар биринчи галда таълим-тарбия сифатининг янада яхшиланишига, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шундай. Юртимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Ургутда ҳам муқаддас даргоҳ — мактабга эътибор катта. Ҳукуматимизнинг бу борадаги изчил сиёсатини чуқур ҳис этиб, уни ҳаётга татбиқ этаётганларнинг мақсади битта — истиқлолимиз абадий бўлсину фарзандларимиз улуғ аждодларимизга монанд комилликка эришсинлар!

Абдурасул САТТОРОВ,
Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

Қутлуғ даргоҳ остонасида...

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Лўнда сўз

Ўқиган ўқдан ўзар

Янги ўқув йили янги бинода

Ҳукуматимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра Сурхондарёда бу йил 2205 ўринли 4 та янги мактаб қурилди. 37 мактабда капитал реконструкция ва 52 мактабда капитал таъмирлаш юмушлари ниҳоясига етказилмоқда.

— Бу хайрли ишларга 20 миллиард сўмлик маблағ сарфланди, — дейди вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси раҳбари Аҳмад Сувонқулов. — Суръатидан ҳам кўра биз ишнинг сифатли бўлишига эътибор беряпмиз. Айни пайтда келгуси йил қилинадиган ишлар режаси ҳозирдан пишитилмоқда. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Молиявий ва ижро интизоми диққат марказида бўлмоқда.

Ҳа, вилоятда 800 тадан кўпроқ умумтаълим мактаби бўлса, шулардан ярми ҳалиҳалига қадар ранги ўчган иморатларда ишларди. Мустақиллигимизнинг шарофати туфайли бугун воҳанинг узоқ қишлоқларида ҳам кўрки-таровати кўзларни қувонтирадиган мактаблар қад ростламоқда.

Бу йил воҳада 400 мингтадан зиёд ўқувчи юртимиз кўрки бўлган обод ва озода мактабларга қадам қўйдилар. Уларнинг қадамлари қутлуғ ва бахайр бўлсин.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юртимиз пахта ҳосилини етиштиришда ва йиғиштириб олишда бевосита меҳнат қилаётган деҳқонлар диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»И

жорий йилнинг 1 сентябридан 10 ноябрига қадар 6 ой муддатга очилиб, йиллик 22 фоиз даромад тўланадиган

«ҲОСИЛ»

жамғарма омонатини таклиф этади.

Омонатнинг бошланғич бадал миқдори — 20 000 сўм.

Омонатнинг сақлаш муддати давомида қўшимча бадал қўшиб боришингиз мумкин.

«Пахтабанк»нинг исталган филиалига мурожаат қилиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.

Хирмонингизга барака, азиз юртдошлар!

«ПАХТАБАНК» СИЗНИНГ КЕЛГУСИ ДАРОМАДИНГИЗ КАФИЛИДИР!

Ташкилотлар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Тендер №1 — БТС-150М пармалаш дастгоҳлари,
Тендер №2 — экскаватор электродвигателлари

сотиб олишга қайта тендер савдолари эълон қилинади.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошидаги "Ўзбектендерконсалтинг" агентлиги белгиланган.

Тендер савдоларида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган шартларни бажарган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва/ёки уларни етказиб беришда тажрибага эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги шартларга жавоб бермайдиган ташкилотлар иштирок эта олмайдилар:
- *қайта тузилиш, бекор қилиниш ва банкрот ҳолатларида турган;*
- *илгари тузилган шартномалар юзасидан ўз мажбуриятларини керакли ҳолда бажармаган;*
- *тендер эълон қилгунга қадар тузилганига 6 ой тўлмаган;*
- *буюртмачи билан судланиш ёки арбитраж кўриб чиқиш ҳолатидагилар;*
- *тижорат ва молиявий кўрсаткичлари тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.*

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2006 йил, 17 октябрь, Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй.
Тел.. 68-25-51, 138-53-42. Факс: 68-75-96.

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Автотранспорт ташкилоти автопарк учун мослашган очиқ майдонли бино харид қилади.
Тел./факс 148-17-43.

MANESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

Акциядорлик тижорат «Пахта Банк»нинг Фарғона вилояти бошқармаси Марғилон ўқув банки филиали тугатилиши муносабати билан даъво ва эътирозлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.
Маълумот учун манзил: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Эшонгузар кўчаси 123-«А»-уй.
Тел: Фарғона шаҳрида: 8-373-224-08-41
Марғилон шаҳрида:
8-373-233-05-46 ёки 8-373-233-05-47

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Аппарат Раҳбари Равил Ваҳобович Абдуқодировга укаси
Рустам Ваҳобович АБДУҚОДИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Чарм буюмлар технологияси ва дизайни кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдужалил Жўраевга падари бузруквори
АБДУМАННОП отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 23456